

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва ҳалқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 176 (6. 665)

1988 йил 3 август, чоршанба

Баҳоси 3 тийин

МАРКАЗИЙ ГАЗЕТАЛАР САҲИФАЛАРИДА

«Правда» газетасида «Ҳисобот ва сайловлар» сарлавҳали бош мақола берилган.

«Известия» газетасида «Ўз маънавиятининг граждани» сарлавҳали мақолада СССР Фанлар академиясини Давлат ва ҳуқуқ институтини конституцион ҳуқуқ секторини мудири, юридик фанлари кандидати Ю. Шулженко шарҳловчи саволларига жавоб берди.

Партия ташкили: ҳисобот ва сайловлар

Ишчанлик руҳида

Яқинда бўлиб ўтган КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг умумий руҳи, унда қабул қилинган қарорлар ва резолюциялар маънавиятининг тарихида муҳим воқеа ва соҳнома бўлиб қолади. Ҳамма жойда конференция руҳи яшамокда. Кўни неча ўзи ишнинг якунига КПСС Марказий Комитетининг июль (1988 йил) Пленуми партия конференциясини қарорларини бажариш соҳасида қарор қабул қилиб, маънавият коммунистлари ва партия ташкилотлари олдига қатор ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни қўйди.

Партия конференцияси ва КПСС Марказий Комитетини Пленумининг қўрсатмаларига буюнган партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар ўтказишга киришилди. Тошкент шаҳридаги районларнинг партия комитетлари, корхоналар, муассасалар партия ташкилотларида бу сиёсий ишга яқин пайтда қизғин тайёргарлини кўришди.

Куйбишев районида биринчи бўлиб ҳисобот ва сайлов «Среднекабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси кабель институтининг бардошли ва сифат бўлими партия группасида бўлиб ўтди.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши бир ярим соат давом этди. У танқидий фикрларни қизғин билдириш билан бошланди. Партия группаси бошлиғи, бўлими етакчи мутахассиси, Куйбишев район партия комитетининг аъзоси Валентина Нишанова Вольваҳ ўтган даврда бажариш ишлар ҳақида, ҳозирда маънавиятнинг, шу жумладан корхонада, институтда олиб борилаётган ҳайоат кўриш ишлари ҳақида ёрқин мисоллар келтирди. У ўз сўзида камчиликларга ва ишдаги нуқсонларга тўхтади.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан коммунистлар ўз сектор бошлиғи Борис Федорович Сабуров, етакчи-инженер Евгений Куценко, монтёр-госинженер Алексей Александрович Остенин, «Среднекабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Камолот Бегалиев, институт партия ташкилотининг секретари Юрий Федорович Феоктистов партия группаси раҳбарининг қилган ҳисоботида билдирган фикрларини маъқуллаш ҳолда, унда яшириб кетилган камчиликлар ҳақида рўй-рост гапирдилар. Улар коммунистлар фаолиятида ишчанлик билан биргаликда юзотир-

чилик, ортиқча бўйруқ ва қўрсатмаларни сурштирмай қабул қилавериш каби яллатлар ҳақида сўзладилар, партия конференцияси талаблари ва қарорларини амалга оширишга қаратилган тадбирларни белгиледилар.

Партия группаси ҳисобот-сайлов йиғилишида яна етакчи мутахассис В. Н. Вольваҳ ишчанлик билан партия группаси раҳбарини этиб сайладди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида қатнашган Куйбишев район партия комитетини таъкилий ишлар бўлимининг мудири Хамидулла Абдуллаев муҳимини билан сўхбатда бундай деди:

«Кабель институтининг бардошли ва сифат бўлими коммунистлари ҳисобот-сайлов йиғилиши ишчанлик, ўзаро танқид, камчиликларни рўй-рост кўрсатиш руҳида ўтди. Коммунистлар муассасида ишнинг сифати ва самардорлигини ошириш, меҳнат интизоми, шароитини янада яхшилаш ҳақида жон куйдириб гапирдилар. Бир сўз билан айтганда, бу йиғилишнинг умумий руҳида, коммунистларнинг билдирган фикрларидан келиб чиқиб шундай дейиш мумкин, коммунист партиясини олган суратдан қайта кўриш, жадаллаштириш, ошқоралик, демократия турмушининг кенг сингир бораётганини яққол намоён бўлди.

А. ПУЛТОВ.

ЗАМОНДОШИМИЗ

Бахт моҳияти

— Ҳўш, йиғитча, ишимиз сениг манзур бўлдимиз? — Стаюкларнинг шовқинидан аранг эшитилган овоз Валерийни сергак торттирди. Рўпарасида отаси билан ёлма-ён ишлайдиган Миша амаки турарди. Ўспирини тасдиқ маъносидан бош иргаб қўйди. У бу кишидан заводдаги яратувчилик ишлари ҳақидаги мароқли ҳикояларни кўп эшитганди. Ўшанда унда албатта заводни ўз кўзи билан бориб кўриш ҳисси ян бор уйғонганди. Мақсадига эришган ўспириннинг қалбидан янги озуларнинг гунчаси қўлғурди. Келгусида ҳеч сўзсиз шу коллективга келиб ишлашни, отаси Геннадий Николаевичнинг изидан боришни ҳаётининг асл маънавиятига айлантирди.


86-ўрта ҳунар-техника билим юртида айнан электр пайвандчилиги касбияи дидан илҳос қўйганлар тарбияланганди. Валерий мазкур ўқув масканида кўнгил билан назарий ва амалий кўникмаларини эгаллади. Сўнг машина-созлик техникумига кириб ўйди. Совет Армияси сафида хизматда бўлди. Мана ўн йилдирки у Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмасида баракали меҳнат қилиб келмоқда. Бу йиллар электр пайвандчилиги Валерий Арчиловский учун чинакамга камолот даври бўлди. Малакали ишчи бўлиб етишди. Сўнг бригадирлигини ўз элимасига олди. Бу жуда мураккаб, қўлаверса масъулятига вазифа эди.

Қайта кўриш электр пайвандчилигининг бугунги порлоқ истиқболини белгилаб берди. Уларни янгиликлар ишлашга сабот билан руҳлантирди. Ютуқларини мустаҳкамлади. Шу босқичдан бўлса керак, улкан экскаваторларни тайёрлаш чоғида бригада коллективини буюқсон ишламоқда. Шубҳасизки, бу ютуқларда бригада бошлиғи Валерий Геннадьевичнинг ўз ролли ва ўрни бор. Унинг қалби отаси билан ёлма-ён ишлаётганидан доимо чексиз фахр ва қувончга тўла. Дилида яратувчилик ишларига яна ҳам кўпроқ ҳисса қўиш ҳисси алағаланади. Зеро, бу қайта кўриш фидойилари учун хос хислатлардир.

Р. АҲМАДЛИЕВ.

© СУРАТДА: Валерий Арчиловский.

Т. Каримов фотоси.



ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ XII ПЛЕНУМИ

«Халқ хўжалигини фан ва техниканинг замонавий ютуқлари асосида техникавий жиҳатдан реконструкция қилишга доир КПСС XXVII съезди қарорларини шаҳар партия ташкилотини қандай амалга ошираётгани тўғрисида»

Докладчи—Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари О. Х. Асқаров

— Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси, деди докладчи, — конференция арасида камиятинингизда бўлган қизғин муно. зараларга яқин асаб, кўнгилга ўткир, етилган масалаларга жавоб берди. Эндиликда қабул қилинган қарорларни рўбга чиқаришга қаратилган масъулиятли ишлар ва ҳаракатлар даври келди.

Одамлар кўн ўтиб боравергани сайин кўпроқ қайта кўришнинг бориши тўғрисида ўз ҳаётларига содир бўлаётган реал ўзгаришларга қараб баҳо берадилар. Одамлар ҳаётидаги реал ўзгаришлар аса тобора демократиялаш билан бир қаторда худди шу даражада қайта кўришнинг пойдевори бўлган тўб иқтисодий ислохот билан белгиланади.

Ўн иккинчи беш йиллик мобайнида шаҳар экономикасидаги ўзгаришлар наравини мураккаб шароитда, қийинчиликлар билан, эскилик билан янгилик ўртасидаги қарама-қаршилик шароитида кечди. Ҳар қалай, ана шундай шароитда ҳам сановат ишлаб чиқариши ҳажмининг 7,6 процент, меҳнат унумдорлигининг 5,9 процент ўсишига эришилди.

Эндиликда Тошкентда амалда сановатнинг барча тармоқларига тааллуқли 200 дан кўпроқ корхона, республика халқ хўжалигини фан-техника тараққиётини кўп жиҳатдан белгилаб бераётган 300га яқин илмий, лойиҳалаштириш, конструкторлик ташкилотли ва олий ўқув юрталари ишлаб турганининг таъкидлаб ўтиш жоиздир. Шаҳар сановати ишлаб чиқаришининг ҳажми Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш ҳажмининг бешдан бир қисmini ташкил этади. Ана шундай йирик сановат ва илмий-техникавий потенциалнинг мавжудлиги ундан самарали фойдаланишни таъминлаш, ушбу потенциалнинг шиддат билан барқарор ривожланиши учун шаҳар партия ташкилотини зиммасига жиддий масъулият юклайди.

Партия XXVII съездида таъкидлаб ўтилганидек, бизнинг стратегик йўлимиз олий даражада ташкил этилган ва самарали экономикага ўтишни назарда тутадиган. Буни амалга оширишнинг бош воситаси фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш кучларини тўдан ўзгартиришдир. Аммо илгариги моддий-техника базаси неғизда тўб ўзгаришларга эришиш мумкин эмас. Фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида, хўжалик механизми ва бошқарув системасини қайта қўриб, халқ хўжалигини теран реконструкциялаш — масалани ҳал этиш йўлидир.

Шаҳар корхоналарида съездан кейин ўтган даврда шу йўналишда нима ишлар қилинди? Беш йилликнинг икки йили мобайнида ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш ва маъсулотиинг янги турларини ўзлаштириш юзасидан 9 мингдан кўпроқ таъбир амалга оширилди. 59 миллион сўмлик ўртача йиллик иқтисодий самара олинди. 36 миллион сўмликдан кўпроқ қўшимча фойда қўрилди. Янги техникани жорий этиш аъзаига меҳнат унумдорлигининг ўсиши 40 процентини ташкил этди. Аммо ҳар қалай, биз шаҳар халқ хўжалигини аввало интенсив ўсиш низига кўчиришни таъминлайдиган тадбирларни тўла амалга оширишга, халқ хўжалиги самардорлигини кўтаришнинг барча резервларини қидириб топиб, ишга солишга муваффақ бўлмадик.

Келин, шаҳар экономикасида ишлар аҳволига рўй-рост назар ташлайлик. Сановатда замонавий ускуна билан бир қаторда матнавий ва жисмоний жиҳатдан анча пугурдан кетган асосий фондлар ҳам ишлатилмоқда. Айни вақтда асосий фондлар актив қисмининг эскириб, пугурдан кетиб бориши ўсиб бормоқда ва у 39 процентини ташкил этади. Шу билан бир қаторда сўнгги йилларда янгилашнинг коэффициенти кўпаймапти ва етти

процент атрофида турибди, машинасозлик корхоналарида аса бу кўрсаткич 8 процентини ташкил этади. Партия XXVII съезида аса машинасозлик комплекси ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари актив қисмининг янгилашнинг ҳар йили 10—12 процентга етказиш вазифаси қўйилган эди. Экономистларнинг фикрича, аҳвол шундай кетаверса, сановат ишлаб чиқариш фондларининг бағамом янгилашнинг учун корхоналаримизга 15—20 йил зарур бўлади.

Мисол тариқсида «Компрессор» заводини олайлик. Бу ерда ускуналарнинг жисмоний жиҳатдан эскириб пугурдан кетиши 37 процентини ташкил этади. Корхона хўжалик юришнинг янги шароитларида ишлашга ўтди. Эндиликда пулни ишлаб топиш керак, министрликдан бирон-бир ёрдам кўтиш амри-маҳол. Аммо корхона янгица шароитларда ишлашга олиш имкониятларига таяниб эди. 1987 йилда ускунани янгилаш коэффициенти бир процентининг ундан бир улусидан ҳам камроқини ташкил этди. Техникани қайта жиҳозлашнинг ана шундай суръатлари давом этаверадиган бўлса, беш йилдан кўпроқ ишлатилиш лозим бўлган ускуналарни янгилаш учун корхонага 40 йилдан кўпроқ вақт зарур бўлади. Шаҳар сановатида асосий фондларни янгилашнинг мавжуд динамикаси (ўсиши) ускуна ёш структурасига салбий таъсир этмоқда. Ҳозир ускуналарнинг 36 процентини ўн йилдан кўпроқ, ундан бири йигирма йилдан кўпроқ вақтдан бери ишлатилмоқда. «Ташкентшляш», «Среднеавтоматика», «Ташавтоматика» заводларида, 1-таъриба-эксперименталь механика заводида ҳар уч стаюкнинг биттаси йигирма йилдан кўпроқ вақтдан бери ишлатилмоқда.

Асосий фондларнинг шу қадар пугурдан кетганлиги оқибатида ремонт бўлимлари ҳаддан зиёд кенгайиб кетмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзидagina эскириб қолган техникани капитал ремонт қилиш учун тахминан 65 миллион сўм сарфланган, бу аса янги техника сотиб олишга сарфланадиган бир йиллик капитал маблағ ҳажмининг деярлик тўртдан бир қисмига баробардир. Агар ана шу маблағнинг лоақал ярмини асгари ямашга эмас, балки замонавий станоклар ва механизмлар сотиб олишга йўналтирилса, ана шу янги ускуналар билан агрегат заводидек корхонани тўла жиҳозлаш мумкин бўлур эди. Бунинг устига ремонт билан боғлиқ ишларда йигирма минг одам ёки ҳар тўққиз ишчининг биттаси банд бўлиб турибди. Капитал қурилиш тўдан яхшиламасдан туриб биз техникани реконструкциялаш амалга ошира олмаймиз.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакики, умуман шаҳарда асосий фондларни ишга тушириш суръатлари ўсиб, инвестиция сиёсати ҳам ўзгармоқда. Сўнгги икки йил мобайнида корхоналарни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш, реконструкциялаш ва кенгайтиришга, мазкур корхоналар актив фондларини янгилашга сарфланган капитал маблағлар салмоғи 40 процентдан 54 процентга етди. Аммо бу силжиш замон талабига мосми? Ўз-ўзини таъкид руҳида шуни айтишимиз керакики, биз кўпроқ иш қилишимиз мумкин ва лозим эди. Шу беш йилликнинг икки йили мобайнида Тошкентда 375 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Шу йилнинг биринчи ярмида ишга туширилиш лозим бўлган ўн икки ишлаб чиқариш қувватидан фақат олти-тасигина фойдаланишга топирилди.

Бунинг оқибатида шаҳар халқ хўжалиги қанча талафот кўрди? Қўн-галатерия фабрикасида 4 миллион сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариши лозим бўлган қувватлар, ОКБРУда бир миллион сўмлик қадонлаш ускуналари ишлаб чиқарадиган цех, резина-техника буюмлари заводида бир кеча-кундузда 40 тонна резина аралашмаси тайёрлайдиган тайёрлов цехи ва бошқа объектлар ишга солинмади.

Собир Раҳимов ва Чилонзор районларида ишга туширилган қувватлар жуда оз процентини ташкил этади. Бу ўринда партия комитетларининг жонли ташкилотчилик ишига пугур етказиб, хўжалик органларининг ўрнини босишга мойиллиги, меҳнат коллективлари кенгашлари, бошлангич партия ташкилотларининг шу йўналишдаги фаолияти зарур даражада активлашмаганлиги ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Умуман шаҳарда ишлаб чиқариш объектларини қуриш муддатлари сўст камаймоқда. Капитал маблағларни, куч, воситалар ва ресурсларни кўндан кўп қуришларга сочиб юбориш практикаси давом этмоқда, баъзи объектлар аса технокласис эскириб қолган лойиҳаларга кўра қурилмоқда. Партия XXVII съези аса корхоналарни реконструкциялашда ҳам, янги объектларни бунёд этишда ҳам инвестиция циклини камийи икки баравар камайтириш вазифасини илгари сурган эди.

Туталланмаган қуришлар ҳажми шаҳар экономикаси «елкасида» огир юк бўлиб тушмоқда. Шу йилнинг 1 январига қадар қурилиш туталланмаган объектларининг сисига қиймати кўпайиб, 924 миллион сўмга етди.

Қурилиш суръатларини ошириш мақсадида биз умумий смета қиймати қарийб 150 миллион сўмлик неча ўнлаб объектлар қурилишини тўхтатиб қўйдик. Аммо биз бутун куч-ғайратини энг муҳим объектларга қаратишга муваффақ бўлолмадик, «туя гўшти» еган қуришлар хали ҳам бор.

Масалан, синтетик юнни воситалари заводидаги объект қурилиши 9 йилдан бери давом этмоқда, бу норматив муддатлардан уч баравар кўп. Тўқимачилик комбинатида аса йигир-тўқуқ фабрикаси 1981 йилдан бери шундай суръат билан бунёд этилмоқдаки, бу объект яна неча ўн йиллардан кейин битказилса керак, «Узбексельмаш», «Компрессор» заводлари ва бошқа бир қанча корхоналардаги объектлар ҳам худди ана шундай тахлитда узоқ йиллардан бери қурилмоқда.

Партия XXVII съезди қарорларида ишлаб чиқаришнинг интенсивлаштиришнинг чуқурлаштириш фан-техника тараққиётининг шиддатли одимлари билан, унинг ютуқларини тезроқ тўла амалга ошириш билан боғлиқ, деб таъкидланган.

Партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари ишга ғайрат билан киришган, янги имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланилаётган, меҳнат коллективларининг новаторлик, демократик потенциалли тўла рўбга чиқарилаётган жойларда катта муваффақиятга эришилмоқда.

«Подъёмник» заводи коллективи яхши ишлади. Бу корхонада пайвандлаш конструкциялари ишлаб чиқаришнинг комплекс механизациялаш, рақамли программа билан бошқариладиган станокларни, сановат роботларини жорий этишдек тағ-заминли фан-техника тадбирларининг амалга оширилиши туфайли 390 минг сўмлик иқтисодий самара олинди. 8 ой ичида барча харажатларининг ўрни қопланди.

«Ташсельмаш» заводи, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йилгига ном-

ли тикувчилик бирлашмаси, «Малика» трикотаж бирлашмасининг коллективлари реконструкциялаш ва техникавий қайта жиҳозлаш борасида аниқ мақсадни кўзлаб ишламоқдалар. Бу корхоналарда капитал маблағларнинг яримдан кўпроғи шу мақсадга сарфланмоқда, бу аса кўп жиҳатдан партия ташкилотларининг омилкорлиги туфайли рўбга чиқарилмоқда. Ушбу партия ташкилотлари ўзларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларини пировард натижаларга эришишга қаратмоқдалар, иқтисодий таълимини такомиллаштиришга, раҳбар кадрлар маъсулиятини оширишга, улар онгиди янги иқтисодий тафаккурни шакллантиришга кўп эътибор бермоқдалар.

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия комитети коллективини социал-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишнинг қизқарли ёндашуларини топди. Бирлашма ишлаб чиқариш базасини такомиллаштириш хусусида муттасил ишлаб, конструкторлик ва ишлаб чиқариш бўлимида лар ҳамжиҳатлигининг самарали бўлишига эришди, бу аса ишлаб чиқаришга кўпгина муҳим янгиликлар ва ишланмаларнинг жорий этилишига имкон берди. Бу ерда ўзгарувчан автоматлаштирилган модуллар ва линиялар, комплекс механизациялашган пайвандлаш ишлаб чиқаришларини яратиш, лазер ёрдамида мустаҳкамлаш жараёнларини, ион-плазма пуркагичларини, поршюкли материаллар билан пайвандлаш усулларини жорий этиш, конструкция материаллари сифатида минерал-керамикадан фойдаланиш соҳасидаги ишлар кент аълиб олди кетган.

Қурилиш турибдики, қаерда ишга чинакама киришилган бўлса, натижа ҳам яхши бўлмоқда. Аммо, ишнинг аҳволига ҳолисона баҳо берав анимиз, шуни тан олиш керакики, ҳали барча партия ташкилотлари хўжалик раҳбарларини, меҳнат коллективларини янгица ёндашуларни қидиришга сафарбар этишга муваффақ бўлишгани йўқ. Ҳали анчагина корхоналарда ишлаб чиқаришнинг техникавий жиҳатдан янгилаш масалаларида кескин сифат жиҳатидан шиддатли силжиш ўрнига, илгари бўлганидек, ҳозир ҳам сусткашлик йўлини, экстенсив ўтиш йўлини тутмоқдалар.

1987 йил якунига кўра техника тараққиётининг сановат роботларини, ярим автоматларни ва механизациялашган потом линияларини жорий этишдек муҳим йўналишлари бўйича планнинг бажарилмаганлигини ана шу билан бўлиш керак бўлади. Янги техника, янги жорий этишнинг иқтисодий самараси шубҳасиз етаетайиллиги ҳам таъминлангирмоқда. Умуман шаҳарда ўтган йили илм-фан ва техника ютуқларини жорий этишга кетган харажатлар 13 процент өтди, аммо лол қолдиган ери шундаки, иқтисодий самара ҳам 11 процент камайди. Сарфланган маблағларнинг ўрнини қоплаш муддати аса ундан бирига кўпайди.

Бу шундан далолат бериб турибдики, партия органлари янги техникадан оқилона, комплекс фойдаланиш, бундай техникани аниқ техникавий-иқтисодий ҳисоб-китоблар қилингандан кейин сотиб олиш хусусида раҳбар кадрларга талабчанлигини сўсайтириб юборганлар.

Район партия комитетлари, бошлангич партия ташкилотлари, ана шу масалаларга етарли эътибор бермаётганликлари оқибатида Сергели ва Ҳамза районларида ишлаб чиқариш участкаларини комплекс механизация-

лаш, Фрунзе ва Куйбишев районларида аса механизациялашган потом линияларини жорий этиш топириқлари бажарилмади. Қўпича, янги техника ололмайишда ёки юқори ташкилотлар зарур янги техникани ажратмапти-да, деган гапларни эшитишга тўғри келмоқда. Аммо янги, юксак унумли ускунани бир амаллаб қўлга киритишга уринсаларда, уни тезроқ ишга солишга ҳафсала қилмаётган кўпгина хўжалик раҳбарлари ҳам бор-ку, ахир. Ана шу техниканинг анчагина қисми омборларда қолиб кетмоқда, уларни монтаж қилиш пайсалга солинмоқда. Шаҳар корхоналарида йил бошида умумий қиймати 109 миллион сўмдан ҳам ортиб кетадиган 27 минг таъбир кўпроқ ўрнатилмаган ускуна бор эди, жумладан, улар орасида 14 миллион сўмлик чет элдан келтирилган ускуна ҳам танасул эди. Тошкент трактор заводида, «Машсельмаш»да, «Среднеэлектроаппарат» бирлашмаси заводларида, «Узбексельмаш» заводида ўрнатилмаган ускуналар айниқса кўп.

Ишлаб чиқаришнинг техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янги прогрессив ускуналар жорий этиш масалаларини ҳал қилишдаги тартибсизлик ва пала-партишлик сабабли сўнгги икки йил мобайнида сановатдаги қўл меҳнати даражаси камаймапти, бу кўрсаткич 34—35 процентини ташкил этмоқда. Аҳмад Икромов, Сергели ва Чилонзор районларида бу кўрсаткич 39—41 процентга етди.

Агар экскаватор заводида, машинасозлик заводида, «Среднеэлектроаппарат» бирлашмасида механизациялашган потом линияларидан икки қадам нарида ишчилар бундан 30 ва ҳатто 40 йил илгари бўлганидек қўл кучи билан ишлаётган эканлар тараққиёт ҳақида гапириб ўринлими? «Узбексельмаш» бирлашмаси, «Микон», «Геологразведка» заводларида қўл меҳнати улуши камаймайпти.

Наҳотки, партия ташкилотлари бу ўринда ушбу масалани чинакамга қўндаланг қилиб қўя олмадилар. Наҳотки, коммунистлар ёрдамида мазкур масалани ҳал этишга меҳнат коллективлари кенгашлари, раҳбарлар, инженерлик бўлимлари барча ҳодимларнинг кўч-ғайратини сафарбар эта олмайдилар?! Қўл меҳнати салмоғини изчиллик, собитқадамлик билан камайириш, бу юмушни имкони борица механизамлар зиммасига юклаш зарур.

Янги иқтисодий шароитларда омилкор хўжайин мавжуд ускунада имкони борица кўпроқ фойдаланиш равшандек қўрилади. Аммо реконструкцияга қарамай, ҳар йили анчагина янги қувватлар ишга солинаётганлиги, янги техника ўзлаштирилаётганига қарамай, шаҳарда ишлаб чиқариш самардорлиги амалда ўсаётгани йўқ. Шу беш йилликда фондлар самардорлиги ҳар йили қарийб икки процентдан камайиб борапти.

Хўжалик юритиш сиёсийлиги оқибатида ана шу муаммо қалбид қичқимоқда. Корхоналарда анчагина станоклар, машиналар ва ускуналар хали ҳам тўла қувват билан ишлатилгани йўқ. Қўпича аса бекор туриб қолмоқда. Коллективларни кўп сменали иш режимига ўтказиш чоғида биз эскичи ишлашга интилаётган кучларнинг қаршилигини рўй-рост сездик. Қўпгина корхоналарда ускуналар ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда жиддий силжилиш содир бўлмади. Қўпгина совет ва хўжалик раҳбарлари, бошлангич партия ташкилотларининг секретарилари кўп сменали иш режимига ўтишга навбатдаги масъулият таъбир деб қарадилар. Бу иш иқтисодий ҳисоб-китоблар, инженерлик, ташкилий ва сиёсий тадбирлар билан мустаҳкамланмади.

(Давоми 2,3- бетларда).

«Халқ хўжалигини фан ва техниканинг замонавий ютуқлари асосида техникавий жиҳатдан реконструкция қилишга доир КПСС XXIII съезди қарорларини шаҳар партия ташкилоти қандай амалга ошираётгани тўғрисида»

(Давомий. Боши 1-бетда).

Умуман шаҳар бўйича ускуналарнинг смена коэффициентини амалда қўллайми ва беш йилликнинг учинчи йилида 1,34 га баробар бўлиб турибди. Партия съезди қарорларида эса 1990 йилга келиб машинасозликда ускуналардан сменаларда фойдаланиш коэффициенти 1,6-1,8 га етказиш белгиланган. Бу ўринда, ўртоқлар, биз кўпроқ гапириб, камроқ ишлаётганимизни таъкидлашга тўғри келади.

«Средазэлектроаппарат» бирлашмаси, «Таш-электромаш», «Ташхимсельмаш», «Таш-текстильмаш» заводларида ускуналарнинг смена коэффициентини ниҳоятда паст. Биз ушбу корхоналарнинг раҳбарлари Бобоев, Береговский, Ерисмаев, Пайгин ўртоқларини огоҳлантириб қўймоқчи эдик: биз сизга ишнинг қандай ташкил этилиши, резервларни қаердан қидиришни ўргатмоқчи эмасмиз. Лекин биз сиздан коммунист сифатида съезд белгилаб берган экономикани интенсификациялаштириш программасининг бажарилишини талаб қиламиз.

Корхоналарни икки-уч сменали иш режимига ўтказиш хусусида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва унинг мувофиқлаштирувчи кенгаши позицияси ишонarli эмас. Ахир, биринчи босқичда уларнинг иши анча актив бўлган эди: кенгашлар ўтказилган, кўпгина тадбирлар ишлаб чиқилган, конкрет программа қабул қилинган эди. Аммо белгиланган тадбирларнинг қўлчилиги қозғола қолдиб кетди. Корхоналарни кўп сменали иш режимида ўтказиш, нозару ускуналарни чиқариб ташлаш, бўшаб қолган ишлаб чиқариш майдонларидан оқилона фойдаланиш юзасидан тузилган планларнинг бажарилиши қандай бораётганлигини мунтазам назорат қилишни ташкил этишда изчиллик етишмади. Пассажир транспорти, мактабга-тарбия болалар муассасалари, соғлиқни сақлаш ва умумий овқатланиш муассасалари ишнинг тартибга солиш муаммоларини ҳал этишда нўноқлик қилинди.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида партия ва давлат органлари, маҳаллий Советлар функцияларини белгилаб қўйиш муҳимлиги таъкидланган экан, маҳаллий Советлар иқтисодий масалаларни ҳал этишга яна ҳам активроқ кириштирили керак, раёон партия комитетларининг вазифаси эса иш аҳолига сиёсий жиҳатдан баҳо беришдан, ишлаб чиқаришни бундан бўён интенсификациялаштиришда кадрлар масъулиятини, бошлангич партия ташкилотининг ролини оширишдан иборат.

Гап юксак унумли ускуна, аввало рақамли программа билан бошқариладиган станоклар, робот техникаси комплекслари, ўзгарувчан ишлаб чиқариш системалари ва меҳнат унумдорлигини кўп марта ошириш имкониятини берадиган ҳисоблаш машиналари тўғрисида бораётган экан, техника ва механизмлардан самарали фойдаланиш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади.

Корхоналаримизнинг ускуна паркда ана шундай техника тобора кучайиб бормоқда. Рақамли программа билан бошқариладиган станоклар ҳозирнинг ўзидаёқ 1900 тадан ортиб кетди. 28 санокт корхонасида ана шундай техника бор. Беш йиллик охирига эса бундай станоклар сони қариб икки баравар кўпаяди. Ана шу энг янги техниканинг имкониятларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Кўпгина рақамли программа билан бошқариладиган ускуналарга техникавий-иқтисодий зарурат бўлмаса ҳам, буюртма берилмоқда ва сотиб олинмоқда, ахир, бу урф бўлган деб шундай қилинмоқда ёки юқори ташкилотнинг хоҳиши ва талаби билан бундай ускуналар сотиб олинмоқда. Бунда ишга тушириш, соғлаш ишларини ўтказиш 3 ойдан то 15 ойгача қўзғиб юборилмоқда.

Айрим корхоналарда ускуна олингандан кейингина ундан қандай фойдаланиш ҳақида бош қотирмоқда. Таҳлил шундан далолат бериб турибдики, «Ташсельмаш», «Таш-текстильмаш» заводларида, «Сигнал» ва Тошкент трактор заводи бирлашмаларида рақамли программа билан бошқариладиган станокларни ишлатиш белгиллаб қўйилган топшириқнинг яримдан ҳам ортмайти. Бу станокларнинг анча вақт бекор туриб қолишига йўл қўйилмоқда. Одатда бу станоклар нари бора бери смена ишлатилади.

Аҳвол шундай экан, янги техникани жорий этиш шу таҳдидга ташкил этилган экан, планда қўзда тутилганидек, иқтисодий самара олиш, ходимларнинг қўли бўшаши ва меҳнат унумдорлигининг ортishi бўлган бир қанча корхоналарда бунинг акси бўлган натижалар олинаётганлигига ҳайрон қолмасамиз ҳам бўлади. Ўтган йили Тошкент трактор заводи рақамли программа билан бошқариладиган 20 станок фойдаланишга топширилгани тўғрисида ҳисобот берган бўлса ҳам, фойда 32 минг сўм ортishi ўрнига 90 минг сўмликдан, кўпроқ эён кўрди.

Батзилларга бу масалалар соф ҳўжалик масалалари бўлиб туялар. Йўқ, бундай эмас! Қайта куриш шароитларида бу масалалар сиёсий характер касб этади. Партия комитетлари ва ташкилотлари худди ана шундай позициялардан туриб кадрлар фаолиятига баҳо бериш керак.

Шуни аниқ-равшан ўқиб олиш керакки, ишлаб чиқариш самарадорлигини, унинг автоматлаштириш даражасини ошириш, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ишларини оптималлаштириш кўп жиҳатдан ҳисоблаш техникаси воситалари билан нечоғли жиҳозланганликка боғлиқдир. Ҳозир шаҳардаги 123 корхона ва ташкилотда 197 та ҳисоблаш машинаси, 148 та бошқарувчи ҳисоблаш комплекс, мингдан зиёд шахсий компьютер ва микро ЭХМлар ишлатилмоқда.

Бу ҳайла катта потенциалдир. Шуни айтиш керакки, ЭХМнинг нархи 504 минг сўмдан торттиб бир ярим миллион сўмгача туради, умуман шаҳардаги ҳисоблаш қувватларининг асосий фондлари қиймати 200 миллион сўмдан ортиб кетди. Аммо қимматбаҳо ускунадан ҳўжасизларча ва ниҳоятда нораціонал фойдаланилмоқда.

Нормативга кўра ЭХМдан ҳар неча-кундузда 15 соат фойдаланилиши керак, 1987 йилда «Ташсельмаш», «Миконд» заводлари, Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитетининг республика ахборот-ҳисоблаш марказида, 2-побавал фабрикасида ЭХМларнинг ўртача бир кунлик ишлаши 5 — 8 соатдан ортади.

Гарчи айрим ҳўжалик раҳбарлари ҳисоблаш марказлари борлиги тўғрисида фахр билан гапирсаларда, бу марказлар асосан

бухгалтерлик ўқети ва ҳисоботи, омборлардаги моддий ресурслар сафини назорат қилиш вазифаларини ва бошқа бир қатор вазифаларни ҳал этмоқдалар. Айни вақтда истиқболли планлаштириш вазифалари, оптималлаштириш ва иқтисодий тидаги вазифаларни адо этиш ўсаётгани йўқ. Бошқача қилиб айтганимизда, ЭХМдан жуда жўн ҳисоблаш ва нўсха кўчириш қўрилмаси сифатида фойдаланмоқдалар. Яна шунчи ҳам айтиш керакки, бир қанча раҳбарлар бошқарув аппаратини қисқартириш йўлидан боришни истамётганликларига дуч келмоқдамиз. Ҳақдан эиёд кенгайиб кетган эси бюрократик маҳкамаларга шу қадар маъқулланининг боиси бор албатта, ана шундай бюрократик машина муҳим, зарур ва у ишлаб чиқариш жараёнига таъсир ўтказида деган таассурот турдиришга имкон беради.

Бошқарув аппарати функцияларининг бир қисми ҳодимлар соини анча қисқартиришга, ушбу ҳодимларнинг техникавий ишининг катта ҳажимидан ҳоли қилишга, масалаларни ҳал этишда ноҳолис иш юритишни камайтиришга, баъзан эса айрим шахсларнинг бюрократизмини камайтиришга қодир бўлган ҳисоблаш техникасида ўтказилиш бундан ана шу босқанда истамётган қўринадилар. Партия ташкилотлари ана шу қўниятни назарда тутишлари керак.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг янгилашши ва даражаси фан-техника, тараққиёт ютуқларидан фойдаланишни белгиловчи мезондир.

Мазкур беш йилликда шаҳарда ўз параметрларига кўра, жаҳондаги энг яхши намуналарга жавоб берадиган бир қанча буюмлар яратилиб, қўлаб ишлаб чиқилмоқда. Булар орасида «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг атом электр станцияларига мўлжалланган бошқарув панеллари, «Подъёмник» бирлашмасининг кўпроқ электр крани, «Компрессор» заводининг компрессор станциялари бор.

Аммо илгари бўлганидек ҳозир ҳам бундай мисол битта-яримта ҳолос. Бу аҳвол бизни ташвишга солмоқда. «Машхлопок» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналарининг ишини олайлик. Бу заводлар ишлаб чиқараётган маҳсулот даражаси кўп жиҳатдан пахтачилик комплекси тақдирини белгилаб беради, республикамиз учун пахтанинг аҳамиятини шарҳлашга ҳоҳат бўлмаса керак. Пахта қишлоқ ҳўжалигимиздаги асосий экин, пахта миллий даромад ва социал тараққиёт имкониятларидир.

Шаҳардаги машинасозлик корхоналари, лойиҳа ва конструкторлик ташкилотлари қишлоқ аҳли олдида қарздор бўлиб қолмоқдалар. Республиканинг пахтачилик ҳўжаликлари ихтиёрига ҳанузгача ишончи экин, парвариш қилиш ва терим техникаси йўқ.

Трактор заводида Т—28 X маркали ниҳоятда эскириб қолган техника ўрнига 100 от кучли двигатели бўлган трактор яратиш ишлари 10 йилдан кўпроқ вақтдан бери давом эттирмоқда. Аммо давлат синовлари тақлиф этилаётган конструкциядаги янги тракторни қўлаб ишлаб чиқаришга тавсия этиш мўмкин эмаслигини кўрсатади.

«Ўзбексельмаш» заводи эса пахтачилик учун машиналар давлат махсус конструкторлик бюроси билан ҳамкорликда бундан етти йил муқаддам назорат етувчи электрон қўрилма билан жиҳозланган янги селляни ясаб, қолхоз ва совхозларга етказиб бера болади. Электрониканинг қўланилиши машина нархига ҳам дарров таъсир этди. Янги техниканинг дастлабки туркуми илгаригисига қараганда уч баравар қиммат сотилди, селлянинг ўртача нархи эса икки баравар қимматлашди. Афсуски, жорий этилган янгилик экин ишларига сиғди ўзгартирилган бўлишига олиб келмади. Селляларни даво ишларига қўлаб синаб қўриш янги машинанинг мукамал эмаслигини кўрсатади. Оқибатда ҳўжаликлар уни сотиб олишдан воз кечдилар ва бу машинани ишлаб чиқариш тўхтайтиди. Ҳозирги вақтда давлат агроасаноат комитетининг базаларида бозори касод бўлган 5 мингдан кўпроқ селля йиғилиб қолган.

Янгилидан яратилаётган техника конструкторлик ишлари босқичидаёқ маънавий жиҳатдан эскириб, пишқи-пухталиги, иш ресурси ва тежамкорлик жиҳатдан энг яхши намуналардан орқада қолаётганлигига нима эса бўлади. Ўз ўлчамларига кўра, олий категорияли кирган маҳсулот ҳам барча томондан эътироф этилган жаҳондаги энг яхши намуналар билан рақобатга қодир эмас.

Ҳозир шаҳар машинасозлик комплексида СССРда биринчи бор ўзлаштирилган маҳсулот салмоғи мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар кам, бу маҳсулот энг муҳим турларининг бешидан бир қисминга жаҳон техникавий даражасига мос тушади. «Миконд», электрон техника заводи каби корхоналар кудратли ишлаб чиқариш потенциалига эга бўлсада, ўтган йил якунларига кўра, ана шундай маҳсулот салмоғи 4 процентдан камроқ бўлди. «Ўзбексельмаш», «Ташэлектромаш» ва агрегат заводларининг ва бошқа бир қанча корхоналарнинг маҳсулотли жаҳон стандартлари билан рақобат қилишга умуман қодир эмас.

Ишлаб чиқаришнинг техника даражаси пастлиги муайян босқичда янги туркумдаги техникани қўлаб ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ров бўлади. Битта мисolini айтиб ўтайлик. Экскаватор заводида халқ ҳўжалигига планига кўра, 1988 йилда янги гидравлик экскаваторларни ишлаб чиқаришга киришилди. Синовлар мазкур машина ўзининг техникавий сифатларига кўра чет элданги намуналардан қўлтамаслигини ва рақобатга қудирлигини кўрсатади. Аммо заводнинг техникавий жиҳозлаиши дуруст бўлмагани сабабли бу машинани қўлаб ишлаб чиқариш мўмкин эмас. Корхонани тубдан қайта жиҳозлаш талаб этилади. Шу босқанда ҳам янги экскаваторни ясашга киришиш беш йилликнинг охирига сурилиб кетди, оқибатда халқ ҳўжалиги прогрессив юксак унумдор техникани кечикчи олади. Мазкур корхона ва шаҳардаги бошқа корхоналарнинг партия ташкилотлари ҳўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблаг билан таъминлашга ўтишининг жўн бўлмаган шароитларига, корхоналар ўртасида беллашув кучайиб бораётган шароитда меҳнат коллективларида, уларнинг кенгашларида ва ҳўжалик раҳбарларида келажакни олдиндан кўра билиш, маҳсулотнинг эртанги кун рақобатига дод бера олиши ёки дод бера олмаслигини ҳис этиш тўғрисида тарбиялашлари лозим.

Ҳозирнинг ўзидаёқ 71 санокт корхонаси ҳўжалик юритишининг янги шароитларида ишламоқда, улар шаҳар саноат маҳсулотли умумий ҳажмининг яримдан кўпини бермоқда.

Эндиликда реконструкциялаш ва техникавий

қайта жиҳозлаш имкониятлари бевосита корхонанинг фойда кўриб ишлашга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Айни вақтда мукамал, рақобатга қодир бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини берадиган ишлаб чиқаришнинг юксак техникавий даражасигина муттасил фойда олишни таъминлаш мўмкин.

Ўзини ўзи маблаг билан таъминлаш шароитида ишлаётган корхоналар фаолиятини таҳлил этиш шундан далолат бериб турибдики, ушбоқлиқ билан тайёргарлик ишлари ўтказиладиган тўфайли уларнинг айримлари шартномавий мажбуриятларини бажариб, планга қўшимча фойда олишга муваффақ бўлдилар. Бу эса шу йўсунда иқтисодий рағбатлантиришнинг зарур фондларни вукудга келтириш ва ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун қўшимча маблаглар ажратиш имкониятини бериб. Бундан корхоналар орасида «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тивуучилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, чарм-талатерия буюмлари ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи коллективлари ва бошқа коллективлар бор.

Аммо ҳўжалик юритишининг янги шароитларида ишлаётган шаҳардаги бир қанча корхоналарнинг иши тавишш тугдирмоқда. Ярим йиллик якунларига кўра, 71 корхонадан 11 таси маҳсулот етказиб бериш планини адо этмади, саккизтаси ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юборди. Ана шундай қониқарсиз иш сабабли меҳнат коллективлари фойданинг бир қисмидан, яъни 8,5 миллион сўмдан маҳрум бўлиб қолдилар.

Даромаддан акраб қоллишининг боиси нимада? Бу, аввало, партия, касабга соиз ташкилотлари ҳўжалик юритишининг янги шароитларига ўтишга тайёргарликда йўл қўйган нуқсонлари, коллективларда янгица иқтисодий фикрлашни қарор топтиришга, мазкур коллективларнинг меҳнат иштирокчи муносабатини, ишлаб чиқаришнинг ҳўжайини тўғйсунин камол топтиришга етарлича эътибор бермаганликлари оқибатидир.

Яна бир қарра шунчи таъкидлаш керакки, бундан бўён даромадга қараб буюмда бўлади. Фойда — бу тараққиёт фондлари, бу социал масалаларни ҳал этиш йўли ва ходимларнинг моддий фаровонлигидир. Бугунги ҳикмат содда: фойда қўраётган корхона яшайди, фойда кўрмаса синади. Ҳозирнинг ўзидаёқ «Средазэлектромаш», «Средазэлектроаппарат», «Ўзвотчермет» бирлашмаларида, Тошкент лак-бўёқ заводи ниҳоятда мураккаб молиявий аҳвол содир бўлди. Шунчи рўй-рост айтиш керакки, агар банк қўшимча кредитлар бермаса, бу корхоналарнинг айримлари синган бўлур эди.

Партия ташкилотлари ўз корхоналари оғир молиявий аҳволнинг сабабларини баътарсиф ўрганиб чиқишлари билан сарф-харажатларини омилкорлик билан сарфлашлари қайта куриш ишига бек-қош бўлишлари, одамларга камчиликларни тезроқ бартараф этишга, ишни расамади билан йўлга қўйишга ердан беришлари керак.

Ҳолисона туриб, шунчи ҳам айтиш керакки, реконструкциялаш ва техникавий қайта жиҳозлашга фойдалан ажратмаларнинг белгиллаб қўйилган нормативлари миқдори ҳам таъсир этади. Иқтисодий ҳисоб-кичёблар шундан далолат бериб турибдики, резина-техника буюмлари заводи, «Ўзбексельмаш» бирлашмаси, енгил металл конструкциялари заводида фойдалан ажратмаларнинг белгиллаб қўйилган миқдори мазкур корхоналарнинг реконструкция қилиш ва техникавий қайта жиҳозлашга зарур бўладиган миқдорларга ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондларини вукудга келтиришга имкон беради.

Лак-бўёқ заводида беш йилликнинг охиригача бўлган давр учун ҳисоблаб чиқилган фойдалан давлат бюджетига ва СССР Химия саноати министрлиги резервига ажратмалар нормативи 93 процент қилиб белгиланган. Фойданинг корхона қўлида қолган қисми ишлаб чиқаришни ривожлантириш социал масалаларини ҳал этиш учун сира-сира етарли маблағи равшандир.

Марказий органларнинг қўлчилик ходимлари ялли кўрсаткичларга «ешиб» олганликларини, маъмуриятчилик қилишгаётганини, ҳўжалик юритишининг иқтисодий методларини буйруқбозлигининг ниқобланган формаларига айлантиришга уринаётганликларини сезиб турибсиз. Корхоналаримизнинг раҳбарлари эса нўноқлик қилиб ҳўжалик ҳисоб-шароитларига ишлашга тайёр эмаслигини кўрсатиб қўймоқдалар, корхоналар ва бирлашмаларига бериб қўйилган ҳуқуқлардан кўпичча дуруст фойдаланилаётгани йўқ, ҳўжалик юритишининг янги методларини ўзлаштириш иши секинлик билан бормоқда.

Ҳозирги кўндалги вазифа янги иқтисодий механизмни тула ишга солишдан, унинг кўринишлари ва имкониятларидан самарали фойдаланишдан иборат. Резина-техника буюмлари заводи коллектив ижара пудратини жорий этди, ҳўжалик юритишининг ана шундай формасида давлат корхонасининг барча ускунаси ва оборот маблаглари узоқ муддатга вақтинчалик коллектив ихтиёрига ўтказилди. Ижара шароитида коллектив бутун ижара даври учун ҳўжалик юритишда тула еркинликка эга бўлади. Бунинг фойдаси нимада? Коллектив бюджетга ажратмаларни ижарага олиш қуналирёёқ аниқ билиб олади, бундан ортиқча даромад эса коллектив қўлида қолади. Ҳўжалик ҳисобининг иқтинки моделидан фарқли тарзда ижара усулида юрелидан коллектив ихтиёридаги пулларни тақсимлаш нормативлари белгиланмайдил. Ижара пудратига ўтган Москва областидаги корхоналар тажрибаси шундан далолат бериб турибдики, қисқа муддат қирида камчиликларга барҳам бериш, фойда кўриб ишлаш ва аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни анча қўлайитириш мўмкин.

Яна ҳам дадилроқ қадам ташлаб, рента-беллиги паст бўлган ва зарар кўриб ишлаётган корхоналар, цехлар ва участкаларни оперативларга ижарага бериш мўмкин. Бунда битта шартга риюя этиш лозим бўлади: давлат буюртмасига кўра тайёрланган барча маҳсулот давлат нархи билан сотилади, шундан қолган маҳсулот эса шартномага кўра сотилади. Бу одамларга ҳам, корхонага ҳам, кооперативга ҳам фойдала бўлади.

Халқ ҳўжалигига фан-техника тараққиётни жадаллаштириш учун курашининг олдинги маррасига илм-фан тўфайли еришилди. Сўнгги ўн йилликларда илм-фан тараққиётига неча юз миллион сўм сарфланди. Шаҳарининг илмий потенциалли бекёйс ўсди, бу ерда 26 минг илмий ва илмий педагогик ходим, 900 дан кўпроқ фан доктори ва 11 мингта яқин фан кандидати ишламоқда. Бу республикадаги илмий-техникавий кадрларнинг 60 процентидан кўпрогини ташкил этади. Шаҳар олимлари ядро физикаси, биология, математика

тика ва илм-фаннинг бошқа соҳаларидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларда муайян натижаларга эришилдилар.

Аммо шаҳардаги илмий муассасалар ишига партиянинг принципаллик билан баҳо берадиган бўлсақ, шаҳар олимлари теран интенсивлаштириш негизан бўладиган техника ва технологиядан революцион ўзгаришларни ҳозирча тақлиф этишгаётгани йўқ. Корхоналарга кўпичча мавжуд технология жараёнларини қисман тақомиллаштиришга, айрим ишлаб чиқаришларда бир қанча тақомиллаштириш ва техникани модернизациялаштиришга қаратилган майда ечимлар тақлиф этилмоқда.

Шу ўринда биз регионимиз учун — ўткир муаммолардан бири, яъни янги туркумдаги пахта териш техникаси яратиш хусусида яна бир қарра тўхтаб ўтишимиз лозим бўлади. Сўнгги 20 йил ичид пахта териш машинасининг конструкциялари бобида ишлаб чиқилган ечимлар ҳосилини тула йиғиштириб олишдек энг муҳим агротехника талабига жавоб берамди. Бу кўрсаткич 70-йилларда ясалган машиналарда ҳозирги моделлардагига нисбатан юқорироқ бўлган эди. Бундан икки йил муқаддам ташкил этилган, юқори унумли пахта териш машинаси яратилиши лозим бўлган, тармоқлараро илмий-техника марнази ҳам реал натижа бергани йўқ. Ахир ҳозирнинг ўзидаёқ 4 миллион сўмдан кўпроқ маблаг сарфландику. Биз илмий тадқиқотлар узоқ давом этадиган иқидий жараён эканлигини тушуниб турибмиз. Аммо ўртоқлар ҳам сарфланган анчагина халқ маблаглари учун жаовобгарлиқни ҳис этишлари керак. Шунчи тан олин лозимга ўхшаб турибдики, эски конструкцияларни модернизациялаш ва таниш ёндашувлардан фойдаланиш зарур самара берамди.

XIX партия конференциясида таъкидлангандек илм-фан ҳали ҳам партия социалистик иқтисодий сисбатини ишлаб чиқариш ва амалга оширишга зарур қўламда жалб этилмаган. Бир жиҳатдан, олимлар ишлаб чиқаришнинг зарур эҳтиёжларига суствашилик билан жаов бераётган бўлсалар, иқтинки томондан, ишлаб чиқариш ходимларининг ўзи ҳам мавжуд илмий ечимлардан фойдаланишда ҳардамҳаёлий қилмоқдалар. Шу хусусда кўпгина мисолларни айтиб ўтиш мўмкин бўлур эди.

Қарий уч йилдан бери СССР Халқ Ҳўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг медаллари билан таъдирланган «материалларга ишлов беришининг электр эрозия усули»ни жорий этишга самарасиз уринишлар бўлмоқда. Бу усул ниҳоятда қаттиқ материалларда чуқур тешик очиш имкониятини беради. Швейцариядаги фирмалардан бири ана шу усулни қўлаш учун лицензия сотиб олди, капиталистик мамлакатлардаги бир қанча етакчи компаниялар, иттифоқдош республикаларнинг кўпгина корхоналари бу усулга қизиқиб қарамоқдалар. Шаҳримиздаги В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, «Тошкент трактор заводи» бирлашмаси каби йирик корхоналар, гарчи бу корхоналарга олимлар мурожаат қилишган бўлса ҳам, бу гоёни қўлаб-қувватлашмади. «Алгоритм» заводигина шу йил ана шундай қўрилмани фақат бир нўсхада тайёрлашга қарор берди. Ҳўжалик ходимларимизда социалистик омилкорлик қачон қарор топади, ахир.

Биз илм-фан ва ишлаб чиқариш ўзаро ҳамкорлигининг формаси сифатида илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларига катта умид боғлаган эдик. Афсуски, уларнинг кўпчилиги ўз юмшларини бажармайтилар, «Ўзбек проектемебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, асосан сериали мебеллар туркуми ни ишлаб чиқаришни давом эттирмоқда. «Силикат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Ўзметспром» аслида муस्ताқил илмий тадқиқотлар, ўтказмайтилар ва соф ишлаб чиқариш фаолияти билан машхурдирлар.

Шаҳар олий ўқув юртларининг салмоқли илмий потенциалли ҳам дуруст ишга солинган. Илмий-тадқиқот ишлари тематик планга киритилган қўлчилик ишлар юзаси, мавзуси саёз, улар ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан узоқда бўлиб, ресурсларни тежаш муаммолари билан шуғулланмапти. Саноат буюртмасига кўра бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларидо профессор-ўқитувчилар составининг учдан бир қисминга иштирок этмоқда.

Илмий муассасаларнинг бошлангич партия ташкилотлари илмий ходимлар, раҳбар коммунистларнинг сўйқаси чиққан фикрлаш тарзини бартараф эта олмайтилар, илм-фан бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиб бераётганлиги ва бизнинг олдинга қараб қилаётган ҳаракатимиз кўп жиҳатдан илм-фанга боғлиқ эканлигини назарга олиб, илмий ходимлар ва коммунист раҳбарларни шу йўналишларнинг актив тарафдорларига айлантириш партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Илмий муассасалар ҳўжалик ҳисобига ва шартномавий негизларга дадиллик билан ўтишлари лозим. Ўз ҳаракатларини ўзи қоллаш ва ўзини ўзи маблаг билан таъминлаш принциплари завод илм-фан фаолиятида ҳам, илм-фаннинг олий ўқув юртида ҳам ва академия секторидоги соҳалари фаолиятида ҳам устуллик қилиши керак. Партия комитетлари бу ишга бошчилик қилишлари лозим.

Фан-техника тараққиётни жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишда меҳнаткашларнинг иқидий потенциалли катта роль ўйнаши мўмкин.

